

Бухорийни кутяпман



07:00 / 26.12.2018 4001

Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маккий Журжоний айтади: «Абдулвоҳид ибн Одам Тавовисийнинг шундай деганини эшитдим: «Набий соллаллоҳу алайҳи васалламни тушимда кўрдим. Ёнларида саҳобалардан бир жамоа ҳам бор эди. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам бир жойда турган эканлар. Мен у зотга салом бердим. У зот саломимга алик олдилар. «Эй Аллоҳнинг Расули, нима учун бу ерда турибсиз?» дедим. У зот алайҳиссалом: «Муҳаммад ибн Исмоил Бухорийни кутяпман», дедилар. Бир неча кундан сўнг имом Бухорийнинг вафот этгани ҳақида хабар келди. Кейин билсам, у зот айна мен Набий соллаллоҳу алайҳи васалламни (тушда) кўрган пайтда вафот этган эканлар».

«Солиҳлар гулшани» китобидан